



20 20 у « 25 » июнь

№ Қ-283

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви  
“Мустақиллик” маҳалласи худудидан  
“SAXOVATLI YURT PAHTAKORLARI”  
фермер хўжалигига енгил конструкцияли  
иссиқхона қуриш учун рухсат бериш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/225-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 14 апрелдаги 108/01-36-сонли хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/225-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “SAXOVATLI YURT PAHTAKORLARI” фермер хўжалигининг 503а-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 47,7 балл бўлган 1,5 гектар суғориладиган енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун рухсат берилсин.

3. “SAXOVATLI YURT PAHTAKORLARI” фермер хўжалиги бошлиғи Н.Хурсановга:

рухсат этилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда рухсат этилаётган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов